



EOC
EUROASIAN
ONLINE
CONFERENCES

ENGLAND CONFERENCE

**INTERNATIONAL CONFERENCE ON
MULTIDISCIPLINARY STUDIES AND
EDUCATION**



Google Scholar





INTERNATIONAL CONFERENCE ON MULTIDISCIPLINARY STUDIES AND EDUCATION: a collection scientific works of the International scientific conference – London, England, 2025. Issue 3

Languages of publication: Uzbek, English, Russian, German, Italian, Spanish

The collection consists of scientific research of scientists, graduate students and students who took part in the International Scientific online conference «**INTERNATIONAL CONFERENCE ON MULTIDISCIPLINARY STUDIES AND EDUCATION**». Which took place in London , 2025.

Conference proceedings are recommended for scientists and teachers in higher education establishments. They can be used in education, including the process of post - graduate teaching, preparation for obtain bachelors' and masters' degrees. The review of all articles was accomplished by experts, materials are according to authors copyright. The authors are responsible for content, researches results and errors.





Шарт-мақсад муносабатли эргаш гап

Тожиев Алимжон Муйдинович

АДУ.Фил.Фан.ном доцент

Ўзбек тили грамматикасини тадқиқ этиш жараёнида кўп тармоқли ва мураккаб тизимга эга структурани кузатишимиз мумкин. Кейинги йилларда мураккаб структурага системали равишда янги ёндашув ва қарашлар билан бойитилган замонавий синкретик ва кўчиш назариялар кириб келиши кузатилмоқда. Синкретизм ва кўчиш ҳодисаларининг эргашган қўшма гаплар структураси билан боғлиқ ўрганилиши эса ўзбек тили мазмуний синтаксиси учун аҳамиятли ҳисобланади. Эргаш гапли қўшма гапларнинг синкретик тузилиши қиёсий характерга эга бўлиб, турли маъноларни эргаш гапда умумийлик ва хусусийликка кўра баҳоланиши ҳисобланади. Жумладан, мақсад эргаш гапли қўшма гап ҳам ўзининг семантик-синкретик табиатига эгаллиги билан эргаш гапли қўшма гаплар структурасида алоҳида ўринни эгаллайди. С.И.Дружинина мақсад эргаш гапли қўшма гаплар структурасидаги мазмуний синкретик мураккабликни шундай изоҳлайди: “Мақсад эргаш гапли қўшма гапнинг семантик структурасида сабаб, шарт, изоҳлаш, белгини билдириш сингари грамматик хусусиятлари синкретик маънони ҳам англатади ва эргаш гап структурасида мақсад ва сабаб, мақсад ва шарт, мақсад ва изоҳлаш, мақсад ва белги синкретизмни юзга чиқарувчи омиллар ҳисобланиб гап тузилишида синкретизмга тобе бўлади.”

Мақсад эргаш гапли қўшма гапнинг синтактик структурасида мазмуний синкретизм боғловчи-юкламалар, шунингдек, *билан, бордию* боғловчи сўзлари, *деб* (демоқ феълидан, равишдош) орқали вужудга келади. **Токи** ёрдамчиси ҳам боғловчи-юклама ҳисобланиб, *деб* ёрдамчиси бўлган қўшма гаплар таркибида келади ва турли қоришиқ маънолар бирлигини ифодалашга хизмат қилади. “Ўзбек тили грамматикаси” (синтаксис) да **токи** ёрдамчисига шундай изоҳ берилади: “Мақсад эргаш бош гап билан токи ёрдамчиси орқали бирикади. Бундай қўшма гапларда эргаш гапнинг кесими феълнинг буйруқ майли формасида, бош гапнинг феъл кесими эса, ҳаракат номи формасида келиб *керак, лозим, зарур* каби сўзлар билан қўлланади.” Масалан: *Халқимизнинг фаровонлигини ўйлашимиз, бунинг учун барча шароитни муҳайё қилишимиз зарур, токи халқимиз бизга ишонсин, эргашсин* (“Янги Ўзбекистон” газетаси). Мақсад эргаш гапли қўшма гапларда эргаш гап бош гапдаги истак-хоҳиш, орзуни амалга ошиши шарт билан боғлиқ муносабатини ифодалайди. Албатта, эргаш гап бош гапда иш-ҳаракат, ҳолатнинг аниқ мақсадда юз бериши ҳақидаги маълумотни беради. Бош гапдан англашилган иш-ҳаракат, ҳолатнинг юз беришини аниқлаш





эргаш гап зиммасига юкланади. Яъни эргаш гап бош гапдан англашилган маънонинг сабабини аниқлаш учун шароит яратади, таъминлайди. Бошқача айтганда, бош гапга стимул (рағбатлантирувчи) ахборотни узатади. Бундай вазиятда тил бирликларида полифункционал ёрдамчи сўзларнинг иштироки мураккаб семантик-синтактик қамровни ўзига олади.

Гапнинг семантик-синтактик структурасида кўчиш ва синкретик маъноларни юзага келтиради. Масалан: *Мен ёзда санаторийга бораман деб, ишдан таътил олдим.* 1-воқеа (эргаш гап) иш-ҳаракатнинг бажарилиши билан боғлиқ истак-хоҳиш, сабаб, шарт, замон маъноларини ифодалайди; 2-воқеада (бош гап) мақсаднинг келиб чиқиши ва ўрни, хоҳиш ва истак, шартда ифодаланади. Гап шундаки, 1-воқеанинг воқеланиши 2-воқеа билан шартли муносабат асосида юз беради. Гапнинг трансформацияси: *Мен ёзда санаторийга бориш учун ишдан таътил олдим* ↔ *Мен ёзда санаторийга умид билан путёвка олдим, чунки дам олмоқчиман* ↔ *Мен атайин ёзда санаторийга путёвка олдим, негаки дам олишни хоҳлайман.* Келтирилган трансформация ҳолатида бош гапдаги иш-ҳаракат ҳолатнинг бажарилиш вазиятининг асоси мақсад дам олиш маъносини ифодалаш. Мақсадни амалга ошириш учун санаторийга бориш шарт. Шартланишнинг барча ўзгаришлари сабаб-натija асосида юз беради. Шу билан бирга эргаш гапдаги қачон? ёзда, қаерга? санаторийга, нима учун? дам олишга сўроқлар орқали гапнинг иккинчи даражали бўлакларида замон ва ўрин маънолари англашилса, предикат (кесим)да эса хоҳиш-истак, мақсад, сабаб, замон маънолари кесишади. Бундай вазиятда А.Нурмонов таъбири билан айтилган кенгайтирувчи бўлақлар, О.Б.Сиротинанинг қарашидаги иккинчи детерминантлар ситуантлар ҳисобланади.

Ситуантлар предикатив бирликларнинг эркин бўлаги (факультатив аъзоси) ҳисобланиб, пайт, ўрин, сабаб ва бошқа маъноларни ифодалайди. Бу маънолар ўзаро шартланган муносабат доирасига бирлашади ва синкретизмда воқеланади. Демак, шахснинг санаторийда дам олиш жараёни уни вазиятга боғлайди, замон, хоҳиш-истак, сабаб билан намоён бўлади. Англашиладики, 1-воқеани юзага чиқишида 2-воқеа иш-ҳаракатнинг рағбатини берувчи, кенгайтирувчиси тамойили асосида мақсад, пайт, сабаб-натija муносабатларининг асоси шартланганлик муносабати билан боғлиқ мазмуний синкретизм имплицит ифодаланади. Ёки: *Давлат раҳбари мамлакат ёшларининг ватан равнақи йўлида билимли (кимнинг?, қандай?, нима учун?, нима мақсадда?) бўлиши учун, дунёнинг барча нуфузли олийгоҳларига барча имкониятлар эшигини кенг очиб қўйди* (“Янги Ўзбекистон” газетаси). *Сокина меҳмонларни қўнғилдагидек (қандай?, нима учун?, қандай мақсадда?) кузасин деб, топган-тутганини*





дастурхонга сочди (Р.Мухторов). Нисор момо набирасининг уйқусини атайин (кимнинг?, қандай?, нима учун?, нима сабабли?) бузмаслик учун, ниҳоят эҳтиётлик билан ўрнидан турди. (С.Ражабов) Эргаш гапнинг ядро маркази бўлган предикат бир томондан тахминни билдирса, иккинчи томондан, воқеа-ҳодисада субъектнинг реал иштирокини баҳолаш ҳақида маълумот беради. Табиийки, бундай вазиятда эргаш гап мураккаб семантик-синкретик бирликни ташкил этади.

А.Бердиалиев “деб, дея боғловчили конструкциялар ва улар моделининг кўриб ўтилган хусусиятларидан шу нарса маълум бўладики, улар орқали ифодаланган маънолар бир томондан парадигмасида ўзаро боғланади. Кўриниши эргаш гап – бош гап (инвариант модел) тарзидаги моделларда эргаш гапли қўшма гапларнинг адвербиал белги, сабаб, мақсад, объектлик муносабатга хос белги-хусусият маъноли турлари реаллашади, -деб ёзади.

Зора хўжайиннинг кўнгли бир оз (кимнинг?, қандай?, нима учун?, нима сабаб?) юмшасин деб, меҳмон гаплашади, ҳасратлашади. (А.Мухтор) Токи, халқ фаровон ҳаёт (кимнинг?, қандай?, нима учун?) кечирсин деб, қаттиқ меҳнатга қўл урдик (“Халқ сўзи” газетаси). Келтирилган мисоллар юқоридаги мисол сингари бир қатор сўроқлар орқали ўзида мақсад, сабаб-натижа, замон(пайт), хоҳиш-истак, шартлилик, изоҳлаш муносабатларини билдириб синкретик маъноларини воқелантиради. Англашиладики, берилган саволлар предикатнинг семантик валентлик имкониятини очиб беради, яъни гап бўлаклари эргаш гапнинг семантик синкретик, мантиқий семантик тузилишида турли маънолар тўпламини вужудга келтиради. Шундай қилиб, мақсад эргаш гапли қўшма гаплар системасида сабаб, шарт, изоҳлаш, белги-ҳолатнинг ўзаро бирлиги синкретик конструкцияли шарт-мақсад муносабатни ташкил этади.

